


**«ҲАЁТ ҲАОЛИЯТИ  
ҲАВҒСИЗЛИГИ»  
ҲАНИДАН  
МАЪРУЗА**



# **МАЪРУЗА МАВЗУСИ:**

**Ўзбекистонда фавқулодда вазиятлар  
вазирлигини ташкил этилиши ҳамда  
фавқулодда вазиятларда уларнинг  
олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат  
тизимлари(ФВДТ) тўғрисидаги ва бошқа  
меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг  
МОҲИАТИ.**

# **РЕЖА:**

- 1. Фавқулодда вазиятлар тўғрисида умумий тушунчалар.**
- 2. Фавқулодда вазиятларга тааллуқли ҳуқуқий – меъёрий ҳужжатлар.**
- 3. Фавқулодда вазиятлар, уларнинг таърифи, турлари ва хусусиятлари**
- 4. ФВ Вазирлигининг низоми**

# АҲОЛИНИ ВА ҲУДУДЛАРНИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ МОҲИЯТИ ВА АСОСИ



Ҳар бир минтақада хавфсизликни таъминлаш муаммолари шунчаки мавҳум характерда бўлмайди.

Ҳамда ҳар қайси минтақада ўз хусусиятлари, хавф соладиган ўз манбалари ва хавфсизликни саклайдиган ўз омиллари бўлади.

**И .А. Каримов**

# ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МУАММОСИ

**„Ҳар бир инсон яшаш ҳуқуқига эга...”, „Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”нинг 9-моддаси.**

**“Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир...”** . Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддаси.

**Инсоният ҳар доим ва ҳар қандай шароитда ўзининг хавфсизлигини таъминлашга ҳаракат қилган.**

**Чунки хавфсизлик муаммолари инсоннинг соғлиғи ва ҳаёти билан боғлиқ масаладир.**

**Ҳозирги вақтга келиб хавфсизлик муаммолари янада кескинлашди, ҳаётда ва фаолиятда хавфсизликни таъминлаш масалалари энг долзарб муоммага айланиб қолди.**

**Ишлаб чиқариш жараёнларининг мисли кўрилмаган юксак тараққий этган технологиялар билан таъминланиши, табиий ривожланишдаги айрим нохуш вазиятларнинг мураккаблашуви аҳоли саломатлиги, атроф-муҳит тозалиги ва иқтисоднинг барқарор ривожланишига таҳдид солиб турибди.**

# ИНСОНИЯТ ТОМОНИДАН КЎРИЛАДИГАН ЗАРАРЛАР:

**Жаҳондаги давлатлар ва минтақаларда бахтсиз ҳодисалар, ёнғинлар, авариялар ва фалокатлар содир бўлиш частотаси кескин ошиб кетди.**

**Бунинг натижасида инсоният томонидан мислсиз иқтисодий, ижтимоий ва бошқа турдаги зарарлар кўрилмоқда.**

**Инсоният томонидан кўриладиган зарарнинг ўртача 40 % сув тошқинларига, 20 % бўронларга, 15 % зилзилаларга, 15 % қурғоқчиликга ва қолган 10 % бошқа турли табиий офатларга тўғри келади.**

# **ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР**

**Инсоннинг яшаш ва фаолият кўрсатиш муҳитида бўлаётган табиий ва бошқа турдаги ўзгаришлар, ишлаб чиқариш технологик қувватининг ортиб бориши хавф-хатарларнинг кучайиб кетишига сабаб бўлмоқда.**

**Табиатда содир бўлаётган офатлар, саноатда ва бошқа турли соҳаларда содир бўлаётган авариялар, фалокатлар ва бошқа кўнгилсиз ҳодисалар кўп сонли аҳолининг ҳаёти ва соғлигига хавф солувчи ҳолатларни юзага келтиради.**

**Юқоридаги ҳамма ҳолатлар “ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР” (ФВ) тушунчаси билан умумлаштирилади.**

## ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТ --

**одамлар қурбон бўлиши, уларнинг соғлиғи ёки атроф табиий муҳитга зарар етиши, жиддий моддий талофатлар келтириб чиқариши, ҳамда одамлар ҳаёт фаолияти шароити издан чиқишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган авария, ҳалокат, хавфли табиий ҳодиса ёки бошқа табиий офат натижасида муайян ҳудудда юзага келган вазият.**



# ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДА МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

**Аҳоли ва ҳудудларни юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш миллий хавфсизликнинг таркибий қисми бўлиб, ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятининг истиқболли ривожланишининг муҳим шarti ҳисобланади.**

**Шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш учун республикада табиий ва техноген таҳдидлардан ҳимояланишда ҳар бир кишининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солувчи қонунчилик базаси яратилди ва у такомиллаштирилмоқда.**

**Фавқулодда вазиятларда аҳолини, моддий бойликларни ва ҳудудларни муҳофаза қилиш ишларини амалга оширишга давлатимиз томонидан катта эътибор берилмоқда.**

**Бу эътиборнинг натижаси сифатида Республикамиз Президентининг 1996 йил 4 мартдаги ПФ-1378 сонли фармони билан ташкил қилинган Фавқулодда Вазиятлар вазирлигини (ФВВ) кўрсатиш мумкин.**

**АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ҲАРАКАТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИНИ ТАШҚИЛ ҚИЛИШ УЧУН БИР ҚАТОР ҚОНУНЛАР, СТАНДАРТЛАР, МЕЪЁРЛАР, НИЗОМЛАР ВА БОШҚА МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ:**

**Масалан:**

**“Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун, 1999 йил 20 августда қабул қилинган.**

**“Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун, 1999 йил 20 августда қабул қилинган.**

**“Фуқаро муҳофазаси тўғрисидаги” қонун, 2000 йил 26 майда қабул қилинган.**

**“Радиациявий хавфсизлик тўғрисидаги” қонун, 2000 йил 31 августда қабул қилинган.**

**“Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги қонун. –Т.: 2004 й., 25-сон.**

**“Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун.. –Т.: 2006 й., 39-сон.**

**О”З Дст 981: 2000 “Фавқулодда вазиятда хавфсизлик. Асосий тушунчаларнинг атамалари ва таърифлари”,**

**О”З Дст. 982: 2000 “Фавқулодда вазиятда хавфсизлик. Табиий Фавқулодда вазиятлар”. Атамалар ва таърифлар.**

# ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРГА ТЕГИШЛИ ФАРМОН ВА ҚАРОРЛАР

Ўз.Р. Президентининг 1996 йил 4 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-1378-сонли Фармони.

Ўз.Р. ВМ.сининг 1996 йил 11.04.даги “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги 143-сонли Қарори.

Ўз.Р. ВМ.сининг 1997 йил 23.12.даги “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими тўғрисида”ги 558-сонли Қарори (эски).

Ўз.Р. ВМ.сининг 1998 йил 27.10.даги “Табиий, техноген ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларни таснифи тўғрисида”ги 455-сонли Қарори.

Ўз.Р. ВМ.сининг 1998 йил 7.11.даги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш тартиби тўғрисида”ги 427-сонли Қарори.

# **ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР, УЛАРНИНГ ТАЪРИФИ, ТУРЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 октябрдаги 455-сонли «Техноген, табиий ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг таснифи тўғрисида»ги Қарорида мамлакатимиз ҳудудида содир бўлиши мумкин бўлган барча турдаги фавқулодда вазиятлар таснифлаб берилган.**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра бизнинг минтақада 7 хил ФВ турлари тасдиқланган:**

- 1. Зилзилалар, ер сурилиши;**
- 2. Сел, сув тошқинлари ва бошқалар;**
- 3. Кимёвий хавфли объектларда авария ва ҳалокатлар (ўткир заҳарли моддаларнинг ажралиб чиқиши);**
- 4. Портлаш ва ёнғин хавфи мавжуд объектлардаги авария ва ҳалокатлар;**
- 5. Темир йўл ва бошқа транспорт воситаларида ташиш пайтидаги авария ва ҳалокатлар;**
- 6. Хавфли эпидемияларнинг тарқалиши;**
- 7. Радиоактив манбалардаги авариялар.**

# ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР (КЎЛАМИ БЎЙИЧА)

ЛОКАЛ

МАҲАЛЛИЙ

РЕСПУБЛИКА

ТРАНСЧЕГАРАВИЙ

**Локал фавқулодда вазият - бирор объектга тааллуқли бўлиб, унинг миқёси ўша объект ҳудуди билан чегараланади. Бундай вазият натижасида 10 нафардан ортиқ бўлмаган одам жабрланган ёки 100 нафардан ортиқ бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган, ёхуд моддий зарар фавқулодда вазият пайдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорни ташкил этган ҳисобланади. Бундай ФВ оқибатлари шу объект кучи ва ресурслари билан тугатилади.**

**Маҳаллий тавсифдаги фавқулодда вазият - аҳоли яшайдиган ҳудуд (аҳоли пункти, шаҳар, туман, вилоят) билан чегараланади. Бундай вазият натижасида 10 нафардан ортиқ, бироқ 500 нафардан кам бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган, ёхуд моддий зарар фавқулодда вазият пайдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқни, бироқ 0,5 млн. бараваридан кам бўлмаган миқдорни ташкил этган ҳисобланади.**

Республика (миллий) тавсифдаги фавқулодда вазият  
дейилганда - фавқулодда вазият натижасида 500 нафардан  
ортиқ одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган, ёхуд  
моддий зарар ФВ пайдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи  
миқдорининг 0,5 млн. бараваридан ортиғини ташкил  
этадиган, ҳамда ФВ минтақаси вилоят чегарасидан  
ташқарига чиқадиган, республика миқёсида тарқалиши  
мумкин бўлган ФВ тушунилади.

Трансчегаравий (глобал) тавсифдаги фавқулодда вазият  
дейилганда эса, оқибатлари мамлакат ташқарисига  
чиқадиган, ёхуд ФВ чет элда юз берган ва Ўзбекистон  
ҳудудига дахлдор ҳолат тушунилади. Бундай фалокат  
оқибатлари ҳар бир мамлакатнинг ички кучлари ва маблағи  
билан ҳамда ҳалқаро ҳамжамият ташкилотлари маблағлари  
ҳисобига тугатилади. Масалан, Орол муаммоси нафақат  
Ўзбекистон давлати учун фалокат келтирувчи, балки унга  
чегарадош бўлган Туркманистон, Қозоғистон ва бошқа  
давлатлар учун ҳам фалокатли вазиятдир. Шунинг учун  
охирги вақтда Орол муаммосини ҳал қилишга Ўзбекистон  
давлатини куч ва маблағидан ташқари бутун жаҳон  
ҳамжамияти ташкилотлари (Экосан, ЮНЕП ва бошқ.)  
мблағлари, кучларидан фойдаланилмоқда.

# ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРНИ ХАВФНИНГ ТАРҚАЛИШ ТЕЗЛИГИГА КЎРА ГУРУҲЛАРГА БЎЛИШ

**Фавқулодда вазиятлар хавфнинг тарқалиш  
тезлигига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади:**

**а) тўсатдан бўладиган ФВ - ер силкиниши, портлаш,  
транспорт воситаларидаги авариялар ва бошқалар;**

**б) шиддатли ФВ – гидродинамик авариялар,  
ёнғинлар, заҳарли газлар отилиб чиқувчи  
портлашлар ва бошқалар;**

**в) ўртача тезликда содир бўладиган ФВ - сув  
тошқинлари, вулқонлар отилиши, радиактив  
моддалар тарқалувчи авариялар ва бошқалар;**

**г) секин юзага келувчи ФВ - секин-аста тарқалувчи  
хавфлар: қурғоқчилик, эпидемияларнинг тарқалиши,  
тупроқнинг ифлосланиши, сувнинг кимёвий  
моддалар билан ифлосланиши ва бошқалар.**



# **ҲАР ҚАНДАЙ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТ РИВОЖЛАНИШИДА 4 ТА БОСҚИЧДАН ЎТАДИ:**

**Бу босқичлар фавқулодда вазиятнинг келиб чиқишига ва турига боғлиқ эмас.**

**Туғилиш босқичи: бунда ФВнинг юзага келиш сабаблари пайдо бўлади; ноқулай табиий жараёнлар жадаллашади; техник хатоликлар, лойиҳавий-ишлаб чиқариш камчиликлари тўпланади; ускуналар ишида ва ходимлар ҳатти-ҳаракатида бузилишлар ва узилишлар юз беради ва тезлашади. Бу босқичнинг давом этишини тахминий равишда статик кузатишлар ўтказиб ва ўрганиб аниқлаш мумкин.**

**Инициированиа (сабабчи бўлиш) босқичи: ФВнинг бу босқичида асосий таъсирни инсон омили ўйнайди. Статик маълумотларга қараганда аварияларнинг 60...90 % ходимларнинг хатоси туфайли содир бўлади.**

**Кульминация (чўққига етиш) босқичи: атроф – муҳитга ва инсонларга зарарли таъсир қилувчи модда ва энергиянинг ажралиши юз беради, яъни, бошқача айтганда ФВнинг ўзи юзага келади. Бу вазият воқеаларнинг занжирсимон ўзаро таъсири натижасида пайдо бўлади.**

**Ўчиш (тугатилиш) босқичи: бу босқич ФВни чегаралаш (локализация) қилишдан бошлаб, унинг бевосита ва билвосита оқибатларини тугатишгача бўлган вақтни ўз ичига олади. Бу босқич ФВнинг баъзи турларида йиллаб, ҳатто ўн йиллаб давом этиши мумкин.**

# ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТНИНГ ТАВСИФИ

**Ҳар қандай фавқулодда вазиятлар 8 та кўрсаткич бўйича тавсифланади (аниқланади):**

**Фавқулодда вазиятнинг номланиши (ФВ ни таърифи);**

**ФВ нинг моҳияти (мазмуни);**

**ФВ нинг сабаблари;**

**ФВ нинг шикастловчи омиллари;**

**ФВ да қалтисликни оширувчи омиллар;**

**ФВ ни олдиндан билиш мумкинлиги (мониторинг, башорат, огоҳлантириш, юмшатиш);**

**ФВ ни бартараф қилиш (фалокатдан қутқариш ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни бажариш);**

**Моддий зарарни аниқлаш (бевосита ва билвосита).**

**ЎЗБЕКИСТОН**

**РЕСПУБЛИКАСИ  
МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**ВАЗИРЛАР**

**АҲОЛИНИ ВА ҲУДУДЛАРНИ ТАБИЙ ҲАМДА ТЕХНОГЕН ХУСУСИЯТЛИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШ, ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ, ШУНИНГДЕК КИЧИК ҲАЖМЛИ КЕМАЛАРДАН ХАВФСИЗ ФОЙДАЛАНИШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ НАЗОРАТИНИ ОЛИБ БОРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ «АҲОЛИНИ ВА ҲУДУДЛАРНИ ТАБИЙ ҲАМДА ТЕХНОГЕН ХУСУСИЯТЛИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ, «ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНЛАРИГА ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА БАРТАРАФ ЭТИШ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ТУБДАН ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА» 2017 йил 1 июндаги ПФ-5066-СОН ФАРМОНИГА МУВОФИҚ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
2017 ЙИЛ 19 СЕНТЯБРДАГИ 744-СОН ҚАРОРИГА  
ИЛОВА

АҲОЛИНИ ВА ҲУДУДЛАРНИ ТАБИИЙ ҲАМДА  
ТЕХНОГЕН ХУСУСИЯТЛИ ФАВҚУЛОДДА  
ВАЗИЯТЛАРДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШ, ФУҚАРО  
МУҲОФАЗАСИ, ШУНИНГДЕК КИЧИК ҲАЖМЛИ  
КЕМАЛАРДАН ХАВФСИЗ ФОЙДАЛАНИШ  
СОҲАСИДА ДАВЛАТ НАЗОРАТИНИ ОЛИБ БОРИШ  
ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА  
НИЗОМ

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

**3. ҚУЙИДАГИЛАР ДАВЛАТ НАЗОРАТИНИ ОЛИБ БОРИШНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ ҲИСОБЛАНАДИ: ГУМАНИЗМ, ИНСОН ҲАЁТИ ВА САЛОМАТЛИГИНИНГ УСТУВОРЛИГИ;**

**ҚОНУНИЙЛИК, ОБЪЕКТИВЛИК;  
МУСТАҚИЛЛИК, ОШКОРАЛИК;  
АХБОРОТНИНГ ИШОНЧЛИЛИГИ ВА ЎЗ ВАҚТИДА БЕРИЛИШИ;  
ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДАН МУҲОФАЗАЛАНИШ ЧОРАЛАРИНИ ОЛДИНДАН КЎРИШ;  
ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ.**

**4. ДАВЛАТ НАЗОРАТИ АҲОЛИ ВА ҲУДУДЛАРНИ ТАБИИЙ ҲАМДА ТЕХНОГЕН ХУСУСИЯТЛИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР, ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ, ШУНИНГДЕК КИЧИК ҲАЖМЛИ КЕМАЛАРДАН ХАВФСИЗ ФОЙДАЛАНИШ СОҲАСИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ, АНИҚЛАШ ВА БАРТАРАФ ЭТИШ МАҚСАДИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.**

**5. ҚУЙИДАГИЛАР ДАВЛАТ НАЗОРАТИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ҲИСОБЛАНАДИ:**

**ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРИШИ МУМКИН БЎЛГАН ХАВФ ВА ТАҲДИДЛАРНИНГ ОМИЛЛАРИНИ БАРВАҚТ АНИҚЛАШНИ, УЛАРНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ЮЗАГА КЕЛИШИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШНИ ТАЪМИНЛАШ;**

**АҲОЛИГА ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲАЁТИ, СОҒЛИҒИ ЁКИ МУЛКИГА ХАВФ-ХАТАР ТУҒИЛГАНДА КОМПЛЕКС ЁРДАМ КЎРСАТИШ, ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТНИ, ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ, ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ БОШҚА ИНСТИТУТЛАРИ БИЛАН БУ БОРАДА ЎЗARO ЯҚИН ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА КЕНГАЙТИРИШ, МАВЖУД ХАВФ-ХАТАРЛАР ТЎҒРИСИДА АҲОЛИНИ ЎЗ ВАҚТИДА ОҒОҲЛАНТИРИШ ВА ХАБАРДОР ҚИЛИШ; ҲАРБИЙ ҲАРАКАТЛАР ОЛИБ БОРИШ ПАЙТИДА ЁКИ ШУ ҲАРАКАТЛАР ОҚИБАТИДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН ХАВФЛАРДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ВА ҲУДУДЛАРИНИ, МОДДИЙ ВА МАДАНИЙ БОЙЛИКЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТАДБИРЛАРИНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШINI ТАЪМИНЛАШ; ГИДРОТЕХНИКА ИНШООТЛАРИ, КИЧИК ҲАЖМЛИ КЕМАЛАРДАН ХАВФСИЗ ФОЙДАЛАНИШ ҲАМДА СУВ ОБЪЕКТЛАРИДА ОДАМЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЮЗАСИДАН САМАРАЛИ НАЗОРАТНИ АМАЛГА ОШИРИШ; ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ, ОДАМЛАР САЛОМАТЛИГИ ВА ҲАЁТИНИ САҚЛАШ, МОДДИЙ ВА МАДАНИЙ БОЙЛИКЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ;**

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОЙ АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛГАН  
ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ЛОЙИҲАЛАР ВА ҚАРОРЛАРНИНГ  
ДАВЛАТ ЭКСПЕРТИЗАСИДА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРНИНГ  
ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ ТАЛАБЛАРИГА  
РИОЯ ЭТИЛИШИ ҚИСМИДА ИШТИРОК ЭТИШ;  
ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАР ТОМОНИДАН АҲОЛИНИ  
ҲАМДА ҲУДУДЛАРНИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДАН  
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ, ШУНИНГДЕК ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ  
СОҲАСИДА ЎЗ ВАЗИФАЛАРИНИ БАЖАРИШЛАРИНИ,  
УЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИ  
ҲИМОЯ ҚИЛИНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ;  
АҲОЛИ ВА ҲУДУДЛАРНИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДАН  
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ, ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ, КИЧИК  
ҲАЖМЛИ КЕМАЛАРДАН ХАВФСИЗ ФОЙДАЛАНИШ  
СОҲАСИДА ҲАМДА СУВ ОБЪЕКТЛАРИДА ОДАМЛАРНИНГ  
ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА  
ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАРНИ АНИҚЛАШ, ОЛДИНИ ОЛИШ ВА  
БАРТАРАФ ЭТИШ.**



**6. ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ, МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ, ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДАВЛАТ НАЗОРАТИНИНГ СУБЪЕКТЛАРИ (КЕЙИНГИ ЎРИНЛАРДА ДАВЛАТ НАЗОРАТИ СУБЪЕКТЛАРИ ДЕБ АТАЛАДИ) ҲИСОБЛАНАДИ.**

**7. АҲОЛИ ВА ҲУДУДЛАРНИ ТАБИИЙ ВА ТЕХНОГЕН ХУСУСИЯТЛИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШ, ФУҚАРО МУҲОФЗАСИ, ШУНИНГДЕК КИЧИК ҲАЖМЛИ КЕМАЛАРДАН ХАВФСИЗ ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА НАЗОРАТ ИШЛАРИНИ ОЛИБ БОРУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ФАОЛИЯТИ ДАВЛАТ НАЗОРАТИ ОБЪЕКТИ ҲИСОБЛАНАДИ.**

**8. ДАВЛАТ НАЗОРАТИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРГА ОЛИБ КЕЛУВЧИ САБАБ ВА ОМИЛЛАРНИ АНИҚЛАШ, АҲОЛИ ВА ҲУДУДЛАРНИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА ОЛДИНДАН КЎРИЛАДИГАН ЧОРАЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА БАҲОЛАШ ЙЎЛИ БИЛАН АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.**

## **9. ҚУЙИДАГИЛАР ДАВЛАТ НАЗОРАТИНИНГ ШАКЛЛАРИ ҲИСОБЛАНАДИ:**

**АҲОЛИНИ ВА ҲУДУДЛАРНИ ТАБИЙ ҲАМДА ТЕХНОГЕН  
ХУСУСИЯТЛИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДАН МУҲОФАЗА  
ҚИЛИШ, ШУНИНГДЕК ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ  
ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТАЛАБЛАРИГА  
АМАЛ ҚИЛИНИШИНИ ТЕКШИРИШ;  
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОБЪЕКТЛАРИ ВА ИЖТИМОЙ  
АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛГАН ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ИШЛАБ  
ЧИҚИЛГАН ҚАРОР ВА ЛОЙИҲАЛАРНИНГ ФАВҚУЛОДДА  
ВАЗИЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ФУҚАРО  
МУҲОФАЗАСИ ТАЛАБЛАРИГА МОС КЕЛИШИ ЮЗАСИДАН  
ДАВЛАТ ЭКСПЕРТИЗАСИ (КЕЙИНГИ ЎРИНЛАРДА  
ЛОЙИҲАЛАР ЭКСПЕРТИЗАСИ ДЕБ АТАЛАДИ)  
ЎТКАЗИЛИШИДА ИШТИРОК ЭТИШ;  
ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ТОМОНИДАН КИЧИК  
ҲАЖМЛИ КЕМАЛАРДАН ХАВФСИЗ ФОЙДАЛАНИШ  
ТАЛАБЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ.**

## **2-БОБ. ДАВЛАТ НАЗОРАТИНИ ОЛИБ БОРУВЧИ ДАВЛАТ ОРГАНИ ВА УНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ**

**10. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ (КЕЙИНГИ ЎРИНЛАРДА ФВВ ДЕБ АТАЛАДИ) ДАВЛАТ НАЗОРАТИНИ ОЛИБ БОРУВЧИ МАХСУС ВАКОЛАТЛИ ДАВЛАТ ОРГАНИ ҲИСОБЛАНАДИ.**

**11. ФВВ ЎЗ ВАКОЛАТИ ДОИРАСИДА ҚАБУЛ ҚИЛГАН ҚАРОРЛАРИНИНГ ДАВЛАТ НАЗОРАТИ СУБЪЕКТЛАРИ ТОМОНИДАН БАЖАРИЛИШИ МАЖБУРИЙ ҲИСОБЛАНАДИ.**

**12. ФВВНИНГ ҚУЙИДАГИ МАНСАБДОР ШАХСЛАРИ ДАВЛАТ НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА: ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРИ ВА УНИНГ ЎРИНБОСАРЛАРИ; ФВВ МАРКАЗИЙ АППАРАТИНИНГ БОШҚАРМА, ХИЗМАТ, ИНСПЕКЦИЯ ВА БЎЛИМЛАРИ БОШЛИҚЛАРИ, УЛАРНИНГ ЎРИНБОСАРЛАРИ, ОФИЦЕРЛАРИ ВА МУТАХАССИСЛАРИ;**

**ҲУДУДИЙ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР БОШҚАРМАЛАРИ (БЎЛИМЛАРИ) БОШЛИҚЛАРИ, УЛАРНИНГ ЎРИНБОСАРЛАРИ, ОФИЦЕРЛАРИ, БОШ ИНСПЕКТОРЛАРИ ВА МУТАХАССИСЛАРИ; «ДАВСУВХЎЖАЛИКНАЗОРАТ» ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИҒИ, УНИНГ ЎРИНБОСАРИ, МУТАХАССИСЛАРИ ВА ҲУДУДИЙ ИНСПЕКТОРЛАРИ.**

**13. ТЕКШИРИШЛАР ШАКЛИДА ДАВЛАТ НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ МАНСАБДОР ШАХСЛАР БЕЛГИЛАНГАН ТАРТИБДА АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТГАН БЎЛИШИ ВА ТЕКШИРИШЛАРНИ ЎТКАЗИШГА ҚЎЙИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ МАХСУС ГУВОҲНОМАГА ЭГА БЎЛИШИ КЕРАК.**

**14. ДАВЛАТ НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ  
МАНСАБДОР ШАХСЛАР ҚУЙИДАГИ ВАКОЛАТЛАРГА ЭГА:  
ДАВЛАТ НАЗОРАТИ СУБЪЕКТЛАРИГА БЕЛГИЛАНГАН  
ТАРТИБДА КИРИШ;  
АҲОЛИНИ ВА ҲУДУДЛАРНИ ТАБИЙ ҲАМДА ТЕХНОГЕН  
ХУСУСИЯТЛИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДАН МУҲОФАЗА  
ҚИЛИШ, ШУНИНГДЕК ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ  
ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТАЛАБЛАРИ  
БАЖАРИЛИШИНИ ТЕКШИРИШ;  
ШАҲАРСОЗЛИК ЛОЙИҲАЛАРИНИНГ ҲУЖЖАТЛАРИНИ,  
ҚУРИЛАДИГАН ОБЪЕКТЛАР ЛОЙИҲАЛАРИНИ  
ЭКСПЕРТИЗА ҚИЛИШДА УЛАРНИНГ ФУҚАРО  
МУҲОФАЗАСИ ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРНИНГ  
ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА ТАЛАБЛАРГА АМАЛ ҚИЛИНИШИ  
ЮЗАСИДАН ИШТИРОК ЭТИШ, ШУНИНГДЕК ЛОЙИҲАЛАР  
ЭКСПЕРТИЗАСИ НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР  
ТУЗИШ;**

**ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ТОМОНИДАН КИЧИК  
ҲАЖМЛИ КЕМАЛАРНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ  
ҚОЙДАЛАРИНИ, ШУНИНГДЕК БУНДАЙ КЕМАЛАРДАН ВА  
УЛАР ТУРАДИГАН БАЗАЛАРДАН (ИНШООТЛАРДАН)  
ФОЙДАЛАНИШ ҚОЙДАЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШINI  
НАЗОРАТ ҚИЛИШ;  
ДАВЛАТ ВА ХЎЖАЛИК БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ,  
МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ, ЮРИДИК  
ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ДАВЛАТ НАЗОРАТИНИ  
АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ЗАРУР БЎЛГАН АХБОРОТ,  
МАЪЛУМОТ ВА ТУШУНТИРИШЛАРНИ СЎРАШ ВА ОЛИШ;  
АҲОЛИ ВА ХУДУДЛАРНИ ТАБИИЙ ВА ТЕХНОГЕН  
ХУСУСИЯТЛИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДАН МУҲОФАЗА  
ҚИЛИШ, ФУҚАРО МУҲОФЗАСИ, ШУНИНГДЕК КИЧИК  
ҲАЖМЛИ КЕМАЛАРДАН ХАВФСИЗ ФОЙДАЛАНИШ  
СОҲАСИДА ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ТАЛАБЛАРИ  
БУЗИЛГАНЛИГИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ҲАҚИДА ЁЗМА  
КЎРСАТМАЛАР БЕРИШ.**

**15. ДАВЛАТ НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ МАНСАБДОР  
ШАХСЛАР ҚУЙИДАГИЛАРГА МАЖБУР:  
ТЕКШИРИЛАЁТГАН ДАВЛАТ НАЗОРАТИ СУБЪЕКТЛАРИГА  
ТЕКШИРИШ ЎТКАЗИШ ХУҚУҚИНИ БЕРУВЧИ ЗАРУР  
ХУЖЖАТЛАРНИ КЎРСАТИШ;  
ДАВЛАТ НАЗОРАТИ СУБЪЕКТНИНГ ФАОЛИЯТИГА ТЎСҚИНЛИК  
ЯРАТМАСЛИК;**

**ҚОНУН ХУЖЖАТЛАРИДА БЕЛГИЛАНГАН ТАРТИБДА  
ТЕКШИРИШЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ДАФТАРИДА ЁЗУВЛАРНИ  
АМАЛГА ОШИРИШ;  
ТЕКШИРИШ ЖАРАЁНИДА МАЪЛУМ БЎЛГАН ДАВЛАТ  
СИРЛАРИНИНГ, ТИЖОРАТГА ОИД ВА БОШҚА СИР ТУТИЛАДИГАН  
МАЪЛУМОТЛАРНИНГ СИР САҚЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ;  
ДАВЛАТ НАЗОРАТИ СУБЪЕКТЛАРИ ТОМОНИДАН АҲОЛИ ВА  
ХУДУДЛАРНИ ТАБИИЙ ҲАМДА ТЕХНОГЕН ХУСУСИЯТЛИ  
ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШ,  
ШУНИНГДЕК ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ СОҲАСИДА ҚОНУН  
ТАЛАБЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТЕКШИРИШ  
НАТИЖАЛАРИ ЮЗАСИДАН ДАЛОЛАТНОМАЛАР  
(МАЪЛУМОТНОМАЛАР) ТУЗИШ;**

**АҲОЛИ ВА ҲУДУДЛАРНИ ТАБИЙ ҲАМДА ТЕХНОГЕН ХУСУСИЯТЛИ  
ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШ, ФУҚАРО  
МУҲОФЗАСИ СОҲАСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ, ШУНИНГДЕК  
КИЧИК ҲАЖМЛИ КЕМАЛАРДАН ВА УЛАР ТУРАДИГАН БАЗАЛАРДАН  
(ИНШООТЛАРДАН) ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИ БУЗИЛГАНЛИГИ  
АНИҚЛАНГАНДА МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДА  
ПРОТОКОЛЛАР ТУЗИШ ВА АЙБДОРЛАРНИ МАЪМУРИЙ  
ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИШ МАСАЛАСИНИ ҲАЛ ЭТИШ УЧУН ИШНИ  
СУДГА ЮБОРИШ;  
АЛКОГОЛЛИ ИЧИМЛИКЛАР, НАРКОТИК МОДДАЛАР ИСТЕЪМОЛ  
ҚИЛИБ МАСТ ҲОЛАТДА БЎЛГАН КЕМА БОШҚАРУВЧИЛАРИНИ,  
ШУНИНГДЕК КИЧИК ҲАЖМЛИ КЕМАНИ АЛКОГОЛЛИ  
ИЧИМЛИКЛАР, НАРКОТИК МОДДАЛАР ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИБ МАСТ  
ҲОЛАТДА БЎЛГАН, КЕМАНИ БОШҚАРИШ ҲУҚУҚИНИ БЕРУВЧИ  
ГУВОҲНОМАГА ЭГА БЎЛМАГАН, КЕМАЛАРНИ БОШҚАРИШ  
ҚОИДАЛАРИНИ ҚЎПОЛ БУЗАЁТГАН ШАХСЛАРНИ КЕМАНИ  
БОШҚАРИШДАН ЧЕТЛАШТИРИШ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК  
ТЎҒРИСИДА ПРОТОКОЛ ТУЗИШ ВА ЗАРУР ҲОЛАТЛАРДА КЕМАНИ,  
УНИНГ ДВИГАТЕЛИНИ ОЛИБ ҚЎЙИШ ВА КЕМАЛАР ЭГАЛАРИ  
ҲИСОБИДАН КЕМАЛАР ТУРАДИГАН БАЗАЛАРГА ТОПШИРИШ;**

**КИЧИК ҲАЖМЛИ КЕМАЛАРНИ  
РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ҚОЙДАЛАРИ  
БУЗИЛГАНЛИГИ АНИҚЛАНГАНДА  
БЕЛГИЛАНГАН ТАРТИБДА МАЪМУРИЙ  
ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ  
ИШЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ҲАМДА  
МАЪМУРИЙ ЖАЗО ҚЎЛЛАШ;  
ПРЕЙСКУРАНТГА МУВОФИҚ АҲОЛИ ВА  
ТАШКИЛОТЛАРДАН КЎРСАТИЛГАН  
ХИЗМАТЛАР УЧУН ТЕГИШЛИ ХИЗМАТ  
ҲАҚИ ОЛИШ.**




**16. ДАВЛАТ НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ МАНСАБДОР ШАХСЛАРГА ДАВЛАТ НАЗОРАТИ СУБЪЕКТЛАРИГА ТАШКИЛИЙ-ХЎЖАЛИК ИШЛАРИГА ОИД ТОПШИРИҚЛАР БЕРИШ ВА МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ИШЛАРИГА АРАЛАШИШ ТАҚИҚЛАНАДИ.**

**17. ДАВЛАТ НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА АРАЛАШИШ, УНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ МАНСАБДОР ШАХСНИНГ ИШИГА ҲАР ҚАНДАЙ ШАКЛДА ТАЪСИР ЎТКАЗИШ ВА ФАОЛИЯТИГА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛИШ ТАҚИҚЛАНАДИ.**


**18. ДАВЛАТ НАЗОРАТИ ОРГАНИ МАНСАБДОР ШАХСНИНГ ЎЗ ХИЗМАТ ВАЗИФАЛАРИНИ БАЖАРИШИГА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛГАН ЁКИ УНИНГ ҚОНУНИЙ ТАЛАБЛАРИНИ БАЖАРМАГАН ШАХСЛАР БЕЛГИЛАНГАН ТАРТИБДА ЖАВОБ БЕРАДИ.**

**19. ДАВЛАТ НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ ШАХСЛАР ЎЗ ФАОЛИЯТИНИНГ ҚОНУНИЙЛИГИ, ОБЪЕКТИВЛИГИ, ҚОНУНЧИЛИК ДОИРАСИДА ТЎҒРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИ ВА АМАЛГА ОШИРИЛГАНЛИГИ УЧУН ЖАВОБ БЕРИШАДИ.**

# «БАЛИК СКЛЕТИ»



**ТОПШИРИҚ. ФАВКУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРНИ ТАСНИФЛАШНИ КЛАСТЕР  
БЎЙИЧА КЕНГАЙТИРИШ.**



# HAZOPAT SAVOLLARI:

1. "Фавқулдда вазият" нима?
2. Фавқулдда вазиятлар одамларга ва атроф –муҳитга қанақа таъсир кўрсатади?
3. Фавқулдда вазиятларга тааллуқли қанақа ҳуқуқий – меъёрий ҳужжатлар бор?
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра бизнинг минтақада нечта хил ФВ турлари тасдиқланган?
5. Табиий тусдаги фавқулдда вазиятларга қанақа турдаги хавфли ҳодисалар киради?
6. Техноген тусдагидаги фавқулдда вазиятларга қанақа турдаги вазиятлар киради?
7. Экологик тусдаги фавқулдда вазиятларга қанақа тусдаги ФВлар киради?
8. Фавқулдда вазиятлар тарқалиш миқёсига кўра нечта гуруҳга бўлинади?
9. Фавқулдда вазиятлар хавфнинг тарқалиш тезлигига кўра қанақа гуруҳларга бўлинади?
10. Фавқулдда вазиятларда аҳолини ҳимоя қилишнинг қанақа принциплари ва услублари бор?
11. Фавқулдда вазиятларда аҳолини ҳимоя қилишнинг қанақа воситалари бор?

## Фойдаланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар:

1. И. А. Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари». «Ўзбекистон» 1997.
2. Yormatov G'.УО. va boshqalar. Hayot faoliyati xavfsizligi. –Т.: “Aloqachi”, 2009 yil. – 348 b.
3. Ёрматов Ғ. Ё. ва бошқалар. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. -Т.: 2005.
4. Nigmatov I., Tojiev M. X. "Favqulodda vaziyatlar va fuqaro muhofazasi" Darslik.-Т.: Iqtisod-moliya. 2011. -260 b.
5. Tojiev M. X., Nigmatov I., Ixomov M. X. «Favqulodda vaziyatlar va fuqaro muhofazasi» O'quv qo'llanma. –Т.: “Iqtisod-moliya”, 2005. -195 b.
6. G'oyipov H.E. Hayot faoliyati xavfsizligi. –Т.: “Yangi asr avlodi”, 2007 yil. – 264 b.
7. Qudratov A. va b.. "Hayotiy faoliyat xavfsizligi". Ma'ruza kursi. “Aloqachi” -Т.: 2005. -355 b.
8. Норхўжаев А.Қ., Юнусов М.Ю. Фавқулодда вазиятлар ва муҳофаза тадбирлари. –Т.: „Университет“, 2001.
9. Тожиев М.Х., Нигматов И ва б. "Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси". Ўқув қўлланма. –Т.: МЧЖ., Таълим манбаи, 2002. -224 б..
10. Юнусов М.Ю., Икромов Э.Ж. Фуқаро муҳофазаси - доимий зарурат. –Т.: 2002.
11. “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятди фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. –Т.: 1999 й., 9-сон.
12. “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида”ги қонун. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. –Т.: 2000 й., 5-6-сон.
13. [www.mchs.gov.uz](http://www.mchs.gov.uz) -Фавқулодда вазиятлар вазирлиги сайти.

(Қўшимча)

## САРЕЗ КЎЛИ ҳақида

Сарез кўли (Табиий) Помир тоғида, Муғроб дарёсининг марказий (ўрта) қисмида денгиз сатхидан 3252м баландликда жойлашган. Бу кўл Муғроб дарёсини Учсой кўчкиси билан 1911 йил 18 февралдан 19 февралга ўтар кечаси 9 баллик кучли zilзила туфайли Муғроб водийси ёнбағирларида тарихда мисли кўринмаган тоғ ўпирилиб, кўчки рўй берди.

Кўчки Муғроб дарёсини бутунлай тўсиб қўйди ва жаҳонда энг йирик тоғ кўли ҳосил бўлди. Натижада узунлиги 5 км, эни 500 метр, кейинчалик орадан ярим йиллар чамаси вақт ўтгач тўғоннинг юқори қисмида - Сарез қишлоғининг ўрнида кўл пайдо бўлади, бу ном сув босган қишлоқнинг номи билан “Сарез” кўли деб атала бошланди.

Бугунги кунда ушбу тоғ кўлининг юзаси 80 км<sup>2</sup> узунлиги 60 км, чуқурлиги 500 м, умумий сув миқдори 17 млрд. метр кубометрни ташкил этади.

САРЕЗ КЎЛИ. ТОЖИКИСТОН  
ГРУНТ ТЎҒОНИ БАЛАНДЛИГИ 567М. ҲАЖМИ 19000 МЛН.М<sup>3</sup>



# САРЕЗ КЎЛИ хавфи

“УЧСОЙ” тўғони ёрилса турли тоғ жинслари ва сувларнинг 11,5 куб км лик катта миқдордаги массасига эга бўлган кўчки, 100 м баландликни ташкил этиб, 80 км/соат тезликда Бартанг, Панж, Амударё дарёларини қамраб босиш эҳтимоли бор.

Ҳалокатли сув босиши натижасида Тожикистон, Ўзбекистон, Афғонистон ва Туркманистон давлатларини кўпгина ҳудудларини қамрайди. Шу давлатлардаги тошқин остида қолиши мумкин бўлган майдон тахминан 69 минг кв. км. ни ташкил этади. Бу ҳудудларда тахминан 6 млн. аҳоли истиқомат қилади.

Тўғоннинг бузилишидан сўнг тошқин 35 соатдан сўнг Термез шаҳрига, 52 соатдан сўнг Керки шаҳрига, 71 соатдан сўнг Чорджоу шаҳрига, 100 соатдан сўнг Туя- Мўйин сув омборига, 124 соатдан сўнг Нукус шаҳрига, 149 соатдан сўнг Орол денгизига етиб боради.

Ўзбекистонда тошқин босадиган майдон 24 минг кв. км. ни ташкил этиб, бунда Сурхондарё, Бухоро, Хоразм ва Қорақалпоғистон Республикаларидан ўтади.



# САРЕЗ КЎЛИНИНГ “УЧСОЙ” ТЎҒОНИ ЁРИЛИШИДА ҲАЛОКАТЛИ СУВ БОСИШ ХУДУДИ





***ЭЪТИБОРИНГИЗ  
УЧУН РАХМАТ!***